

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МИРСОАТОВ ХАБИБУЛЛА ҚУДРАТУЛЛАЕВИЧ

**ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕХНАТ ҚИЛИШГА БЎЛГАН
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ,
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy(PhD)

Мирсоатов Хабибулла Қудратуллаевич

Фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда прокуратура органлари ролини такомиллаштириш3

Mirsoatov Xabibulla Qudratullayevich

Improving the role of prosecutors office in ensuring the constitutional rights of citizens to work.....25

Мирсоатов Хабибулла Қудратуллаевич

Совершенствование роли органов прокуратуры в обеспечении конституционных прав граждан на труд43

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific

works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

МИРСОАТОВ ХАБИБУЛЛА ҚУДРАТУЛЛАЕВИЧ

**ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҚИЛИШГА БЎЛГАН
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ,
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Yu584 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хакимов Раҳим Расулжонович,
юридик фанлар доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Отахонов Фозилжон Ҳайдарович,
юридик фанлар доктори, профессор;

Зулфикоров Шерзод Хуррамович,
юридик фанлар доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

Нисон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 20 ноябрь соат 10:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (992-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).


Диссертация автореферати 2021 йил «5» ноябрда тарқатилди.

(2021 йил «5» ноябрдаги 13-рақамли реестр баённомаси).




М.А. Ахмедшайева,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раисининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор;


И.Р. Беков,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар доктори, профессор в.б.;


О.З. Мухамеджанов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раисининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон ҳуқуқлари, унинг ажралмас таркибий қисми саналган адолатли меҳнатга бўлган ҳуқуқни таъминлаш, ушбу жараёнда давлатлар зиммасига алоҳида масъулият юклаш масалалари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқса, бу ҳолат гендер тенглигини таъминлаш, ёшларнинг меҳнатга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, болалар меҳнатига ҳамда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик масалаларида яққол намоён бўлади. Хусусан, БМТнинг 2016 йил 21 декабрдаги Халқаро миграция ва таракқиёт номли 71/237-сонли резолюциясида «Меҳнат соҳасидаги давлатларнинг саъий-ҳаракатлари етарли эмаслиги, ушбу соҳа миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда шахс, жамият ва давлат ҳаётининг энг долзарб муаммоларидан бири эканлиги қайд этилган»¹. Шу муносабат билан, халқаро ҳамжамият томонидан барча давлатларда меҳнат соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ислохотлар ўтказиш давр талаби эканлиги таъкидланмоқда.

Жаҳонда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини конституциявий ҳимоя қилиш, ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг родини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос йўналишларини аниқлаш асосида мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича миллий қонунчиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, меҳнат соҳасида вояга етмаганлар ҳуқуқларини кафолатлаш, аёллар ва ногиронларнинг меҳнат ҳуқуқларини миллий даражада таъминловчи институтларнинг институционал асосларини такомиллаштириш ва соҳага «ақлли тартибга солиш» моделларини жорий қилиш, шунингдек, меҳнат низоларини ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлашда қонунчиликни аниқ ва бир хилда ижро этиш бўйича прокуратура органларининг родини ошириш, ходимлар манфаатларини судда ҳимоя қилиш, ишга тиклаш, тўланмаган иш ҳақини ундириш бўйича прокурор назорати ҳужжатларининг таъсирини кучайтириш, шунингдек, миллий қонунчиликни халқаро андозаларга мослаштиришга алоҳида эътибор берилиб, қатор тизимли ва мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, фуқароларнинг эркин касб танлаш ва адолатли меҳнат шароитларида ишлашини таъминлаш, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги очик тан олиниб, уларни бартараф этиш, «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари», «Темир дафтар»га

¹ <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/A/RES/71/237>

киритилган шахсларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш, ушбу соҳадаги давлат бошқарувини такомиллаштириш, меҳнат соҳасида Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини ратификация қилиш, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Рақамларга эътибор қаратиладиган бўлса, юртимизда сўнгги йилларда меҳнат бозорида бир қатор жиддий ўзгаришлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Хусусан, иш билан банд бўлганлар сони 1,5 баробарга (8,8 млн.дан 13,5 млн.гача), иш берувчилар сони 4,5 баробарга (203,2 мингдан 928,9 минггача) ошди¹. Ушбу кўрсаткичлар иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини фаол ривожланиш талабларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириб боришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан белгилаб берилганидек, «Янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш»² ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), Меҳнат кодекси (1995), «Прокуратура тўғрисида»ги (2001), «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги (2019), «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги (2020), «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги (2018) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2017), «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2017) фармонлари, «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017) қарори ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни тегишли органлар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ https://parliament.gov.uz/uz/events/committee/31894/?sphrase_id=7314403

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот иши фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда прокуратура органлари ролини такомиллаштиришга бағишланган мамлакатимизда амалга оширилган биринчи комплекс илмий тадқиқот иши ҳисобланади. Мазкур мавзунинг у ёки бу жиҳатлари айрим ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўқув адабиётларида ёритилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан инсон ва фуқароларнинг у ёки бу ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг конституциявий асосларига бағишланган асарларни А.А. Азизхўжаев, А.Т. Тўлаганов, А.Х. Саидов, Д.Қ. Ахмедов, Ж. Ибодуллаев, З. Ибрагимов, И.Р. Беков, О.Т. Хусанов, Р.Қ. Қаюмов, С. Султонов, У. Таджихонов¹ ва бошқа бир қатор олимлар томонидан ўрганилган.

Меҳнат соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масалалари миллий олимлардан А.А. Иноятов, Г.Д. Саттарова, З.С. Расулов, М.А. Усманова, М.А. Раҳимов, М.Ю. Гасанов, Ш.А. Исмоилов, Ю. Турсуновларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Чет эл олимларидан N.F. Abdulatif (Австралия), M. Alhmoudi (БАА), L.M. Hernandez (Буюк Британия), N.Le Feuvre (Швейцария), J. Fudge (Канада), J. Conaghan (Буюк Британия), D. Carrion (Канада), G. James (Буюк Британия) асарларида меҳнат ҳуқуқини таъминлаш ва унинг конституциявий-ҳуқуқий принцип сифатидаги аҳамиятининг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этишган. МДХ мамлакатлари олимларидан Н.Л. Лютов, Е.С. Герасимова, Е.В. Красноярова, И.А. Автушко, Н.П. Слугина, Т.М. Москвичеванинг ишларида ушбу соҳадаги масалалар очиқ берилган².

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017–2021 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда прокуратура органлари ролини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

конституциявий ҳуқуқлар тизимида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг юридик табиати, ўзига хослигини тадқиқ қилиш;

фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий механизмларини аниқлаш ва уларни қўллаш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилишда прокуратура органларининг давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан ҳамкорлигининг ўзига хослигини аниқлаш;

прокуратура органлари томонидан конституциявий меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва уларни мамлакатимизда амалиётга жорий этиш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш;

нодавлат тузилмалар томонидан бандлик соҳасида кўрсатилаётган хизматларда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини тадқиқ этиш;

конституциявий меҳнат қилиш ҳуқуқини прокурор назорати воситалари орқали таъминлаш ва ҳимоя қилиш усулларини тадқиқ қилиш асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

прокуратура органлари томонидан меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва таъминлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда прокуратура органлари ролини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур тадқиқотда илмий билишнинг таҳлил, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий, мантикий, тарихий, статистик, социологик, тизимли-тузилмавий, формал-юридик ўрганиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бузилиши фактлари аниқланган тақдирда, касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари материалларни прокуратура органларига юборишга ҳақли эканлиги асосланган;

касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга иш берувчининг ташаббусига кўра интизомий жазо беришга, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмаслиги асосланган;

ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида, шу жумладан, сайлов ҳуқуқини амалга ошириш, депутатлик вазифаларини бажариш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холис тариқасида чақирилганда иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шартлиги асослаб берилган;

таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатдан ноқулай бўлса бундай иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин эмаслиги асосланган;

иш берувчи иш жойларининг белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга жойлаштириш учун қонунчиликда белгиланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юбориладиган шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз рад этган иш берувчи ва унинг ваколатли шахслари белгиланган тартибда жавобгар бўлиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига адолатли меҳнат шароитларида ишлашнинг мазмунини очиб беришга, шунингдек болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тақиқлашга оид нормаларни киритиш зарурлиги асослаб берилган;

меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқининг илмий таърифи таклиф этилиб, унинг фалсафий, ижтимоий-иқтисодий, психологик ва ҳуқуқий жиҳатлари очиб берилган;

илк бор конституциявий даражада инсон, жамият ва давлатнинг ўзаро таъсири конституциявий «меҳнат қилиш эркинлиги» тушунчаси остида бирлаштирилиб, шахснинг иқтисодий эркинлигининг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган;

меҳнат қилиш эркинлигининг энг муҳим кафолати саналган меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқнинг таърифи ишлаб чиқилган;

«фаолият тури ва касбни танлаш» ва «меҳнат қилиш эркинлиги» тушунчалари таҳлил қилинган ҳолда, меҳнат қилиш ҳуқуқининг мазмуни очиб берилган;

касаба уюшмалари ўз фаолиятида, шу жумладан, молиявий фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ҳамда улар томонидан назорат қилинмаслиги асослаб берилган;

ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан кучга кириши асослаб берилган;

фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи фуқаронинг конституциявий мақоми институти орқали кўриб чиқилган;

илк бор прокурор назорати ҳужжатлари асосида фуқароларнинг конституциявий меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашнинг самарали ҳуқуқий воситалари ишлаб чиқилган;

прокуратура органлари конституциявий-ҳуқуқий муносабатларда, шу жумладан, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида давлатнинг ваколатли вакили сифатида иш юритишнинг асосий йўналишлари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ривожланган давлатлар тажрибаси ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлили асосида хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, натижаларнинг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулоса ва амалий таклифлардан адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолияти юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек, «Конституциявий ҳуқуқ», «Инсон ҳуқуқлари», «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар», «Меҳнат ҳуқуқи» каби ҳуқуқий фанларни ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти меҳнат соҳасида қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши учун прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, прокуратура органларининг амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар кўйидагиларда фойдаланилган:

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бузилиши фактлари аниқланган тақдирда, касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари материалларни прокуратура органларига юборишга ҳақлилиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунинг 46-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2021 йил 5 апрелдаги 05/1-01-63-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ходимларнинг конституциявий меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган;

касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга иш берувчининг ташаббусига кўра интизомий жазо беришга, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунинг 17-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2021 йил 5 апрелдаги 05/1-01-63-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг

амалга оширилиши ходимларнинг конституциявий меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган;

ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида, шу жумладан, сайлов ҳуқуқини амалга ошириш, депутатлик вазифаларини бажариш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, холис тариқасида чақирилганда иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шартлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 165-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарининг 2021 йил 5 апрелдаги 02/5-381-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ходимларнинг конституциявий меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган;

таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатдан ноқулай бўлса бундай иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 63-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарининг 2021 йил 5 апрелдаги 02/5-381-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши ходимларнинг конституциявий меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган;

иш берувчи иш жойларининг белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга жойлаштириш учун қонунчиликда белгиланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юбориладиган шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз рад этган иш берувчи ва унинг ваколатли шахслари белгиланган тартибда жавобгар бўлиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 68-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарининг 2021 йил 5 апрелдаги 02/5-381-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ходимларнинг конституциявий меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 8 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 4 та (шундан 1 таси хорижий нашрларда) ва тўпламлар таркибида 4 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Меҳнат қилиш ва адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқининг конституциявий-ҳуқуқий асослари»** деб номланиб, унда конституциявий ҳуқуқлар тизимида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи юридик табиати, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий механизмлари таҳлил қилинган.

Диссертант «меҳнат эркинлиги», «адолатли меҳнат шарoити» ва «эркин меҳнат қилиш ҳуқуқи» тушунчалари, уларнинг моҳияти, ушбу тушунчаларни тушуниш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш орқали, уларни юридик тушуниш билан боғлиқ турли назарий қарашлар таҳлилини ўтказиш зарурлигини қайд этган.

Тадқиқотчининг қайд этишича, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқаронинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайдиган самарали механизмлар мустаҳкамланган бўлиб, ушбу жараёнда давлат томонидан бундай муносабатларда ходимларнинг ҳуқуқларини кафолатлашнинг самарали ҳуқуқий механизми прокуратура органларининг назорати функцияси билан муайян даражада боғлиқ саналади.

Конституцияда мустаҳкамланган меҳнат қилиш ҳуқуқи ва ишсизликдан ҳимояланиш бўйича мустаҳкамланган нормалар БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактларда акс эттирилган нормаларга тўлиқ мос келишини таҳлиллар билан асослаб берган.

Диссертант замонавий юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар ва тадқиқотчилар (Е.И. Козлова, О.Е. Кутафин, Г. Еллинек, Б.И. Габидуллин, И.Е. Фарбер, В.М. Поляков) томонидан иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларни конституциявий-ҳуқуқий таснифлашга оид қарашларни таҳлил қилган ҳолда, меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, шахсга берилган табиий ҳуқуқлар сирасига киради, деган нуқтаи назарни илгари суради.

Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг таркибий қисми сифатида фуқароларнинг меҳнатга бўлган конституциявий ҳуқуқининг юридик моҳияти уни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ўзига хослиги билан

белгиланади. Ўзбекистон Конституциясининг 37-моддасидаги меҳнат қилиш ва адолатли меҳнат шароитларида иш ҳуқуқига оид нормани мавжудлиги фуқароларнинг меҳнат қилиш эркинлигининг ҳуқуқий кафолати сифатида эътироф этишга асос бўлади.

Тадқиқотчи меҳнат қилиш ҳуқуқми ёки эркинлик деган тушунчаларнинг мазмунини турли олимлар (Р. Исмоилов, С. Сафаев, К.А. Бекашев, Е.Г. Моисеев, И.А. Данилюк, Т.А. Антоненко, Ю.В. Милявская, Е.А. Шуваев) тадқиқотлари асосида таҳлил қилган ҳолда меҳнат қилиш эркинлигининг ижтимоий-иқтисодий жиҳати, унинг тараққиёти нафақат мажбурий меҳнатни тугатиш билан, балки меҳнат қилиш ҳуқуқининг кафолати, иш билан таъминлаш билан ҳам боғлиқ, деган хулосага келган.

Тадқиқотчининг фикрича, меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича эркин бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, давлат ва банк хизматларидан фойдаланишда ҳудудийлик принциpidан воз кечиш, янги иқтисодий фаолият турлари пайдо бўлишига қараб «эгиловчан» меҳнат муносабатларининг таркиб топиши, ўз ўрнида иқтисодий фаолият эркинлиги ва эркин меҳнат қилиш ҳуқуқи бир-бирини тақозо қилувчи ҳуқуқий институтларга айланганлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Диссертант Ўзбекистон Конституциясининг 13-моддасида қайд этилган, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деган ғоя инсонни меҳнат қилиш ва адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқини ҳам қамраб олади, деган фикрга келган.

Диссертант Конституцияда қайд этилган меҳнат қилиш эркинлиги – бу объектив равишда шаклланган, фуқаронинг меҳнат қобилиятини эркин тасарруф этишни ҳам қамраб олади деган фикрни илгари сурган.

Тадқиқотчи бир қатор назарий қарашлар ва ҳуқуқшунос олимлар фикрини таҳлил қилган ҳолда *«конституциявий меҳнат қилиш ҳуқуқи – бу Конституцияда мустаҳкамланган, шахсга фаолият тури ва касбни эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи олиш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқидир»*, деган муаллифлик таърифини илгари суради.

Ўзбекистон Конституциясининг 37-моддасида меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосий мазмуни сифатида «ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир», деб белгиланган.

Диссертант ушбу модда шахснинг конституциявий меҳнат қилиш ҳуқуқининг мазмуни ва фундаментал шартларини тўлиқ ифодаламаслиги асослаб берилган ҳолда, Конституциянинг 37-моддасини қуйидаги таҳрирда қабул қилишни таклиф қилади:

«Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ўз меҳнат қобилиятини эркин тасарруф этиш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ҳеч қандай

камситишларсиз ҳамда минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи олиш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади. Болаларнинг мажбурий меҳнати тақиқланади».

Диссертантнинг фикрича, меҳнат қилиш эркинлигини қонунчиликда мустаҳкамлаш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонуний ва амалда мустаҳкамланган механизмларига мос келиши шарт. Ходимларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда ижтимоий ҳимоя қилиш элементларидан бири конституциявий меҳнат қилиш эркинлиги кафолатланганлигидир.

Тадқиқотчи конституциявий меҳнат қилиш ҳуқуқи бу шунчаки умумий мазмундаги меҳнат қилиш имконияти эмас, балки адолатли меҳнат шароитларига асосланган, Ўзбекистонда ўрнатилган минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи олиш, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташдан ташқари барча шаклдаги мажбурий меҳнатни тақиқлашни англатувчи конституциявий-ҳуқуқий институт эканлигини таъкидлайди.

Диссертант К. Шафф, Ж. Хант, Б. Хайдингер каби Европа ҳуқуқшунос олимлари томонидан жамоавий ҳуқуқ индивидуал ҳуқуқдан доимо устун туриши инсон ҳуқуқларининг асосий белгиси эканлиги ғоясини таҳлил қилган ҳолда, «адолатли меҳнат шароити» деганда ташкилот раҳбаридан кўра ходимларнинг манфаатлари жамият манфаати сифатида тан олиншини кўзда тутаяди, деган фикрга келган.

Тадқиқотчи фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари бузилган тақдирда, меҳнатга конституциявий ҳуқуқни бевосита ҳимоя қилишнинг ҳар қандай шаклини, шу жумладан, суд ва прокуратура органларини танлашлари мумкин бўлган ҳуқуққа эга бўлишлари керак, деган хулосага келган. Фуқароларнинг ишлаш ҳуқуқини амалга оширишнинг кафолатларидан бири бу иш танлашда бандлик хизматларининг бепул кўрсатилиши ва бандлик соҳасида фуқароларга хизмат кўрсатувчи давлат органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш масаласи саналади.

Бандлик масаласини фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг ажралмас қисми сифатида эътироф этган ҳолда, диссертант томонидан «Бандлик – фуқароларнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, ўз шахсий ва иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) ва бошқа моддий даромадлар келтирадиган фаолиятдир», деган тушунча ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг конституциявий меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш**» деб номланиб, унда ҳокимиятлар бўлиниши тизимида прокуратура органларининг ўрни, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор фаолиятининг асосий йўналишлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлиliga бағишланган.

Диссертант томонидан фуқароларнинг конституцияда белгиланган ҳуқуқ

ва эркинликларини таъминлашда прокуратура органларининг аҳамияти давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни билан ҳам бевосита боғлиқ эканлигига урғу берилган.

Дунёда прокуратура институтининг давлат ҳокимияти билан боғлиқ ҳолда фаолият юритиши бўйича бешта концепция таҳлил қилинган ҳолда, АҚШ, Франция, Польша, Бельгия, Япония, Исроил, Италия, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон давлатларига фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича прокуратура органларига берилган ваколатлар, улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмлари таҳлил қилиниб, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини юритишда мазкур соҳада конституциявий-ҳуқуқий принциплар муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги тадқиқотчилар (М. Машари, А. Говинджи, О. Даппер, М. Сагандыков) фикрини ўрганган ҳолда, халқаро ҳуқуқий нормалар ва Конституция билан мустаҳкамланган меҳнат қилиш ҳуқуқига оид принциплар нафақат давлат ҳокимияти органлари, балки касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий институтлар томонидан давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ҳам асосий мезонлардан бири бўлиши лозимлигини қайд этади.

Диссертант прокурор назорати амалиётида прокуратура органларининг назорат қилувчи органлар билан муносабатларининг барқарор шакллари ишлаб чиқиш зарурлигига урғу беради. Унинг фикрича, прокуратура органлари ўз фаолиятида назорат қилувчи органларнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳолатларини аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш борасидаги имкониятларини ҳисобга олади ва уларга таянади, ҳуқуқбузарларни юридик жавобгарликка тортишда уларга ёрдам беради. Прокуратура органлари назорат қилувчи органлар билан иш юзасидан ҳамкорлик қилар экан, ўзининг бош вазифаси – назоратни ёддан чиқармаслиги ва айнан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни биринчи ўринга қўйиши керак.

Диссертант фикрича, сўнги йилларда фуқаролик ишлари бўйича суд муҳокамаларида иштирок этувчи прокурорларнинг роли ва вазифалари ортиб бормоқда. Масалан, прокурорнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ишга тиклаш бўйича фуқаролик процесснинг суд босқичларида иштирок этиши фақат аризани қўллаш билан чегараланиб қолмайди, унинг вазифаси, ким бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай қонун бузилишларини бартараф этиш бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришдир.

Тадқиқотчининг фикрича, меҳнат соҳасида қонунбузарликларнинг прокурор томонидан ўз вақтида аниқланиши ва уларга барҳам бериш чораларининг кўрилиши ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатади, уларнинг тарқалишига тўсқинлик қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг олдини олишда, агар прокурор тайёрланаётган қонунбузарликлар ҳақида ишончли маълумотларга эга бўлса, мансабдор шахсларга қонунни бузиш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириш эълон қилиш

муҳим рол ўйнайди. Фуқароларга зарар етказилган ҳолларда прокурор айбдор мансабдор шахслар, бошқа шахслар, органлар олдига зарарни қоплаш масаласини кўяди, зарур ҳолда судга даъво тақдим этади.

Ўтказилган таҳлиллар жараёнида прокуратура органлари томонидан инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунлар ижроси юзасидан текширишларда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 2019 йил ва 2020 йил мобайнида 13 334 та ҳужжатларга нисбатан протест келтирилди, прокурорларнинг қарор ва тақдимномаларига асосан 68 703 нафар шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, 1 175 та жиноят иши қўзғатилганлиги аниқланган. Бугунги кунда прокуратура органларида мавжуд Ишонч телефонлари орқали фуқаролардан ўз ҳуқуқлари бузилганлиги ёки бузилган ҳуқуқларини тиклашга оид қилинаётган мурожаатлар қатъий назоратга олиниб, мурожаатларда кўрсатилган муаммолар қонуний ечимини топган.

Жумладан, ушбу йўналишда қайд этилган даврда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 12 808 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланган. Айниқса, мансабдорлар томонидан фуқароларнинг мурожаатларига беписанд муносабатда бўлиш, мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш каби ҳолатлар юзасидан 128 та жиноят иши қўзғатилган.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросининг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи Конституцияда алоҳида белгилаб қўйилган.

Мазкур конституциявий ҳуқуқларни амалда таъминлаш мақсадида прокуратура органлари томонидан қайд этилган даврда соҳада ўтказилган текширишлар натижаларига кўра 1 870 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Диссертант ушбу статистик кўрсаткичлар Конституцияда белгиланган меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича прокуратура органлари томонидан кўрилган чора-тадбирларнинг фақат бир қисми эканлигини, туманларда сектор раҳбари сифатида прокуратура органлари кундалик фаолиятида фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўраётганликларини қайд этади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлашда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш**» деб номланиб, унда прокуратура органлари томонидан меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва таъминлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси, конституциявий меҳнат қилиш ҳуқуқини прокурор назорати воситалари орқали таъминлаш ва ҳимоя қилиш, прокуратура органлари томонидан меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва таъминлаш механизмларини такомиллаштириш каби масалалар таҳлилига бағишланган.

Диссертациянинг ушбу бобида тадқиқотчи хорижий давлатларда прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш функцияларини таҳлил қилган ҳолда, ушбу ваколатнинг конституция даражасида мустаҳкамланганлигига эътибор қаратади.

Тадқиқотчи хорижий мамлакатларда прокуратуранинг икки асосий моделини ажратиб таҳлил қилган: биринчи модел жиноий-ҳуқуқий таъқиб органи сифатида; иккинчиси, инсон ҳуқуқлари ва қонунийликни назорат қилувчи орган сифатида (Хитой халқ Республикаси, Куба, Корея халқ демократик Республикаси, Ветнам ва МДХ давлатлари).

Прокуратура органларининг асосий ваколатлари ва функциялари Арманистон Конституциясининг 103-моддасида, Белоруссия Конституциясининг 125-моддасида, Бразилия Конституциясининг 129-моддасида, Венгрия Конституциясининг 51-параграфида, Грузия Конституциясининг 91-моддасида, Италия Конституциясининг 112-моддасида, Қозоғистон Конституциясининг 83-моддасида, Мозамбик Конституциясининг 179-моддасида, Озарбайжон Конституциясининг 133-моддасида, Парагвай Конституциясининг 268-моддасида, Перу Конституциясининг 158-моддасида, Португалия Конституциясининг 221-моддасида, Ветнам Конституциясининг 137-моддасида, Корея халқ демократик Республикаси Конституциясининг 114-моддасида, Болгария Конституциясининг 127-моддасида назарда тутилган. Ушбу ҳолат прокуратура органларининг конституциявий мақоми ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича функцияларининг конституциявий даражасини кўрсатади.

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг бажарилишини назорат қилиш прокуратура фаолиятининг катта ва мураккаб йўналиши ҳисобланади (меҳнат қонунчилиги бузилишини аниқлаш, бартараф қилиш ва олдини олиш). Ушбу кўринишдаги назорат фаолияти жуда кенг таъсир доирага эга.

Диссертант прокурор назоратининг бир қисми сифатида меҳнат қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш бутун соҳага тегишли хусусиятлар билан тавсифланади, чунки бу қисм ҳар доим бутунликни англатади. Бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўлинмаларида бўлгани каби, худди шу ҳуқуқий воситалар ҳам меҳнат қонунчилигида қўлланилади. Уни амалга ошириш назорат фаолияти амалга ошириладиган тизимига амалда бўйсунди.

Тадқиқотчининг фикрича, меҳнат муносабатлари соҳасида прокурор назорати деганда – давлат номидан прокурор томонидан меҳнат соҳасидаги қонун бузилиш ҳолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш орқали меҳнат қонунчилиги нормаларини аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган махсус фаолиятни тушунилиши лозим.

Статистик маълумотларга кўра, прокуратура органлари томонидан меҳнат қонунчилиги соҳасида 2018 йилда 2 079 та, 2019 йилда 11 265 та қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Прокуратура органлари томонидан 2019 йилда меҳнатга доир қонунлар юзасидан 29 889 та мурожаатлар кўриб чиқилиб, шундан 10 629 таси қаноатлантирилган, 10 896 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

2018 йилда 3 589 нафар фуқароларнинг кечиктирилган 4,1 млрд, сўм иш ҳақлари ундириб берилган.

Суд амалиётининг таҳлили асосида диссертант прокуратура давлат ҳокимияти органи сифатида ўз фаолиятига фуқароларнинг конституциявий мақомининг элементи сифатида меҳнат қилиш конституциявий эркинлигини таъминлашни қамраб олишини, ушбу мақомни амалга ошириш ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлишини талаб қилмайди, шунингдек, прокуратура органларининг роли фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича профилактика ишларидан: меҳнат фаолият тури ва касбни танлаш; хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш; меҳнатга ҳақ тўлашдан иборат эканлигини қайд этади.

Буларнинг барчаси, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларнинг ижросини назорат қилишда мутлақ ҳуқуқни белгиламайди ва албатта, прокуратура томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат ўз доирасидан четга чиқиши мумкин эмас.

Диссертант, Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунининг меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви деб номланган 28-моддаси иккинчи қисми олтинчи хатбошисига “меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақида судга даъво ариза киритиш” деган жумлани киритишни таклиф этган.

Бундан ташқари, мазкур моддага меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари томонидан амалга оширилган назорат тадбирлари ва унда аниқланган қонун бузилишлар ҳақида корхоналар жойлашган туман прокуратура органларига ахборот киритиш мажбуриятини юклаш зарур, деган хулосага келган.

Рақамлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, прокуратура органлари меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича, айниқса фуқароларнинг ишга тиклаш ҳақида фуқаролик судларига ариза бериш орқали улар ҳуқуқларини тиклаш муҳим аҳамият касб этади.

1-расм. Фуқароларнинг ишга тиклаш ҳақида фуқаролик судларида кўрилган ишлар сони

Йиллар кесимида	1-инстанцияси	Апелляция инстанциясида	Кассация инстанциясида
2015 йил	996	247	79
2016 йил	1298	295	153
2017 йил	1461	324	146
2018 йил	1590	364	156
2019 йил	1732	472	233
2020 йил	1801	561	229

Амалиёт ҳужжатларининг таҳлили ва фуқаролардан бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклаш бўйича қилинган мурожаатлар мамлакатимизда сўнги йилларда қуйидаги йўналишларда фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларининг бузилиши кузатилаётганлигини кўрсатади.

Биринчидан, касб-хунар коллежи битирувчилари ёки олий таълим муассасаларини битириб биринчи маротаба ишга кираётган ёшларни ишга қабул қилмаслик ёхуд уларга ушбу вазифаларни бажарганлик учун бошқа шахсларга тўланаётган ойликдан кам миқдорда ойлик тўлаш ҳолатлари. Бундан ташқари, иш берувчилар томонидан ҳомиладор аёллар, ёш болали аёлларни ишга олишда пайсалга солиш, уларни мавжуд иш ўринлари бўлса-да бўш иш ўринлари йўқ, деб қайтариш ҳолатларининг учраши;

Иккинчидан, ишдан бўшатишда касаба уюшмаларининг мажбурий розилигини олишга оид қонунчилик талабларига риоя қилмаслик, жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзлар, жумладан, қўшимча дам олиш, овқатланиш харажатларини қоплаш, дам олиш кунлари ёки байрам кунлари ишга ноқонуний жалб қилиш ёки уларга қонунда белгиланган қўшимча пулларни тўламаслик;

Учинчидан, меҳнат учун ҳар йили бериладиган таътиллар графигига риоя қилмаслик, таътилдан асоссиз равишда чақириб олиш ёки ушбу даврда ишлатиш, дам олиш вақтига риоя қилмаслик, ҳафталик қонунчилик билан белгиланган умумий иш вақти режимини бузиш, ходимни ишдан бўшатиш тартибини бузиш, турли баҳоналар билан меҳнат дафтарчасини ходимга тақдим этмаслик, ҳужжатларни бериш учун қўшимча ишлаб беришни талаб қилиш, яқин қариндошлари ёки оила аъзолари вафот этганда ходимларга қўшимча рағбатлантириш чораларини қўллашда қонунчилик билан белгиланган талабларга риоя қилмаслик, ноқонуний равишда бир неча касб ва ишларда ишлатиш ва бошқалар. Шу муносабат билан, биринчи навбатда, прокуратура ходимларининг бундай меҳнат қонунчилиги бузилишига муносабати тўғрисида бир қатор саволлар туғилади.

